




Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе-нинг таклифига биноан 2-3 июль кунлари давлат ташири билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташир тафсилотлари билан батафсил танишиб бориш учун қўйидаги QR кодни сканер қилинг:



Президент Шавкат Мирзиёев транспорт-логистика тизимини ривожлантириш ва мамлакатимизнинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тақдироти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари транспорт-логистика тизими мамлакат экспорт салоҳияти, инвестициявий жозибадорлиги ва ҳудудлар ривожини учун стратегик аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Мутасаддиларга халқаро транспорт йўлакларидан самарали фойдаланиш, логистика марказларини тармоқини кенгайтириш, соҳани рақамлаштириш ва хусусий сектор учун қўлай шароитлар яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Иорданиянинг «Royal Jordanian» авиакомпанияси Амман ва Тошкент ўртасида мунтазам тўғридан-тўғри йўловчи рейсларини йўлга қўйди.

Филиппин пойтахти Манила шаҳрида ўтказилган самбо бўйича катталар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон спортчилари яна бир юрак натижага эришди. Жиззах давлат педагогика университети талабаси Севинч Исроилова барча рақибларини мағлуб этиб, китга чемпионлигини қўлга киритди.

Ёз – болаликнинг энг завқли даври. Бу фаслда ҳар бир бола янги дўстлар ортиришни, қизиқарли машғулотларда иштирок этишни, айниқса, табиат қўйнида мароқли дам олишни хоҳлайди. Бундай эзгу орзуларни рўёбга чиқариш мақсадида Са-марқанд вилоятида ҳам болаларнинг ёзги дам олиши ва соғломлаштириш мавсуми давом этмоқда. Айни пайтда сўлим гўшаларда ҳаёт қайнапти.

Худудда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 544 минг нафардан зиёд ўғил-қиз воёга етмоқда. Уларнинг ҳар бири давлат ва жамият эътиборида. Шу боис мавсумда улар вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча имкониятлар яратилди.

Шаҳар ташқарисидagi 14 та соғломлаштириш муассасасида 8 минг 710 нафар кичиктойни дам олдириш режалаштирилган. Шу билан бирга, вилоятдаги 57 та умумтаълим мактаби қўшида ташкил этиладиган соғломлаштириш майдончалари 12 минг 805 нафар ўқувчини қамраб олади.

Йўланмаларни тақсимлаш жараёни ҳам замонавий ва шаффоф ти-

Ishonch

YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA
BIRLASHAYLIK!

2026-yil,
2-iyul,
payshanba
№81
(5301)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

УЛАР ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ФАЙЗИ

Фаол нуронийларга «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонлари топширилди



Пойтахтимиздаги Касаба уюшмалари саройида жамиятимиз раёнақи йўлида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган ва ҳозир ҳам жамоатчилик ишларида, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда намуна бўлаётган бир гуруҳ юртдошларимизга «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонлари тантанали топширилди.

Меҳнат аҳлининг шарафли ҳаёт йўли, касбига садоқати ва келажак авлод учун ибрат бўладиган фаолияти алоҳида эътироф этилган маросимда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зунлайхо Маҳкамова, «Нуроний» жамғармаси масъулари, жамоатчилик фаоллари, қўллаб-қўллашчиларимиз ва меҳмонлар қатнашдилар.


Юртимизда 3,5 миллион нафардан ортиқ кексалар бўлиб, жорий йилда уларнинг 1016 нафари «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланди, – деди тадбирда сўз олган «Нуроний» жамғармаси раиси Соҳибжон Турдиев. – Нуронийларимиз бугунги кунда жуда фаол, меҳнат жаҳҳасида ҳам, ҳаётда ҳам илғор. Сабаби, давлатимиз раҳбари уларга юрак ҳурмат кўрсатиб, жамиятимизнинг файзисиз, деб турибди. Буни кексаларимизнинг ҳар бири юрагидан ҳис қилмоқда ва юртимиз ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда.

Тақдирланганларнинг юзидаги қувонч, табриклар ва самимий олқишлар тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

Зебо ЯНГИБОВА

ИШ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИ
ҚўНҒИРОҚЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШ
МАЖБУРИЯТМИ?

Саволнинг жавобини
Ishonch.uz да ўқишингиз мумкин:



ШОМУРОДОВ ЖАҲОН ФУТБОЛИ
ЮЛДУЗЛАРИНИ ОРТДА
ҚОЛДИРДИ

Бу ҳақда батафсил
Ishonch.uz да танишинг:



Ёзги соғломлаштириш

ТАЪТИЛ – КАШФИЁТЛАР ДАВРИ



зим асосида ташкил этилди. Айниқса, oromgohlar.uz платформаси орқали он-лайн харид қилиш имконияти мавжудлиги ота-оналарга янада қўлайлик яратди.

Албатта, болаларнинг мароқли дам олиши, аввало, улар билан ишлайдиган фидойи мутахассисларга боғлиқ. Шунга қўра, тарбиячи ва етакчиларни саралаш ишларини пухта ташкил эт-

дик. Танлов ва суҳбатлар натижасида 284 нафар билимли, ташаббускор ва юқори малакали педагог танлаб олинди. Улар ёз давомида фарзандларимизга ҳам устоз, ҳам маслаҳатчи, ҳам яқин дўст бўлишди. Шунингдек, болалар саломатлиги 42 нафар шифокор ва 39 нафар ҳамшира назоратида. Барча масканлар зарур дори-дармонлар билан тўлиқ таъминланган.

Ёзги таътил фақат ўйин-қўлғи эмас, балки кашфиётлар даври ҳамдир. Шу боис оромгоҳларда робототехника, Lego-конструкторик, тил ўрганиш, медиа саводхонлик, қўлчилик, қўм санъати, кароке ва кук-бик-рубик каби замонавий ҳамда ижодий тўғарақлар фаолиятини йўлга қўйганмиз. Бу машғулотлар дам олувчиларнинг иқтидори ва қизиқишларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Феруза ҚИЛИЧЕВА,

Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи

АЪЛОЧИЛАР ОРОМГОҲЛАРДА БЕПУЛ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШМОҚДА



Жорий йилги ёзги таътилда Жиззах вилоятида жами 918 нафар бола оромгоҳларда 12 кун давомида бепул ҳордиқ чиқаради. Ушбу эзгу тадбирга 4 та давлат ва жамоат ташкилотининг «Ижтимоий реестр»га киритилган оилаларнинг аъло баҳо-ларга ўқийдиган фарзандларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги оромгоҳларда дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарори асос вазифасини ўтамоқда.

Ўз навбатида, оромгоҳларда болаларнинг ҳар бир соатини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўндан ошқ тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилиб, маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари уюштирилляпти.

Миршароф УСМОНОВ,

Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Жиззах вилояти бошқармаси бош мутахассиси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли
«Ишонч телефони»,
яъни
«Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

1 ИЮЛДАН
НИМАЛАР
ЎЗГАРАДИ?

Мамлакатимиз қонунчилигида 2026 йил 1 июлдан бир қатор ўзгариш ва янгиликлар кучга кирди. Қўйида ушбу санадан жорий этиладиган асосий ўзгаришлар тақдим этилмоқда.

ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАР
7 ҲОИЗГА ОШИДИ

Давлатимиз раҳбарининг фармони билан 2026 йил 1 июлдан пенсиялар, нафақалар, шунингдек, Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўловлари миқдори 7 ҲОИЗГА оширилмоқда. Шундан сўнг ёшга доир энг кам пенсия миқдори ойига 983 минг сўмни, ногиронлик пенсияларининг энг кам миқдори эса 1 миллион 83 минг сўмни ташкил этади. Пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори 504 минг сўм этиб белгиланган.

«ҚВАРТИЛАТА»ДАН
ҚАРЗДОРЛАРГА ЭЛЕКТР
ЭНЕРГИЯСИ ТЎЛОВИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ
ЧЕКЛАНДИ

1 июлдан бошлаб қўп қвартирали уй мулкдори ҳар ойнинг 15-санасига қадар мажбурий тўловларини амалга оширмас, унинг қарздорлиги бартараф этилмагунча қадар электр энергияси учун тўловларни қабул қилинмайд.

Президент қарорига қўра, мажбурий тўловлар қўп квартирали уйнинг алоҳида банк ҳисобрақамига ўтказилади. Агар мулкдор белгиланган муддатда тўловни амалга оширмас, у қарздор ҳисобланади ва қарз тўлиқ ёпилагунча электр энергияси учун тўловларини амалга ошириш имконияти чекланади.

«РАҚАМЛИ КОМПЛЕАЕНС»
ИШГА ТУШАДИ

2026 йил 1 июлдан коррупцияга қарши курашиш самардорлигини ошириш мақсадида «Рақамли комплеанс» ахборот дастурий комплекси синон режимда ишга туширилади. Бундан ташқари, 2026 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотларида 2030 йилгача босқичма-босқич коррупцияга қарши Миллий сертификатлаштириш менежмент тизими жорий этилади.

МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗЛИК
НАФАҚАСИ ЯНГИ УСУЛДА
ТАЙИНЛАНАДИ

Расмий банд бўлган барча шахсларга нафақалар босқичма-босқич Ижтимоий ҳимоя жамғармаси томонидан тўла-наши йўлга қўйилади. 2026 йилдан бошлаб аёлларга ҳомиладорлик нафақаси, 2026 йил иккинчи ярмидан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари тўлаб борилади.

ХАРИД ЧЕКИНИ
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИБ,
АВТОМОБИЛЬ ЮТИВ ОЛИШ
МУМКИН БЎЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида харид чекларини «Солиқ» мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтказган фуқаролар учун ютуқли ўйинлар йўлга қўйилади. Ҳукумат қарори билан тасдиқланган низомга асосан, харид чекларини «Солиқ» иловаси орқали рўйхатдан ўтказган шахслар ютуқли ўйин иштирокчисига айланади.

Шунингдек, яна қатор ўзгаришлар ва янгиликлардан доимий хабардор бўлиш учун «Ishonch»нинг Телеграм саҳифасига ўтинг:



www.ishonch.uz

www://

ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official



Хар кимдан кенгаш олдим, ҳар кимдан фикр ўргандим: қайси бири фойдалироқ бўлса, уни қўнгил хазинасида сақлаб, ишлата билдим.

Амир Темур

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

Жамоа шартномаси – амалда

«ФИКРЛАРИМ ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАДИ»

Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида яшовчи Гуллола Хўжақулова «Аёллар дафтари»га киритилган эди. Бугун у тадбиркорга айланди.

– Хонадонимизга келган масъулларга гул етиштиришни йўлга қўймоқчилигимни, аммо иш бошлаш учун етарли маблағим йўқлигини айтдим, – дейди у. – Улар буни анкетага туширишди. Орадан кўп ўтмай менга кредит ажратилди. Иссиқхонада гул етиштира бошладим. Маҳалламиздаги опа-сингилларни ҳам ишга чақирдим. Ҳозир улар даромад топиш билан бирга, гулчилик сир-асрорларини ҳам ўрганишмоқда. Харидорлар кўп, савдо яхши. Хатто Тожикистондан ҳам келиб гул олиб кетишади.

Очиғи, Гуллола опанинг ишларини қўриб, ҳавасимиз келди. Гўзалликка бурканган иссиқхонасида 30 дан ортиқ турдаги гуллар парваришланмоқда. Ишчилар ҳам узоққа бормай, маҳалланинг ўзида бандлиги таъминланган.

Туманнинг «Файзиобод» маҳалласида истиқомат қилувчи Гулнозахон Аҳмедова ҳам тиришқоқ аёллардан. Қўлидан бинойидек тикиш-бичиш келса-да, рўзгорнинг юки сабаб пул орттириб тузукроқ тикув машинаси ололмади. Ҳаётбахш ислохотлар унинг мушкулени осон қилди. Хонадон-ма-хонадон ўрганишлардан сўнг у ҳам «Аёллар дафтари»га олинди. Истагига кўра, тикув машинасини олиш учун банкдан кредит ажратилди. Мономарказда бепул ўқиб, ҳунарни янада мукамал ўрганди.

– Қўрсатилган кўмак сабаб, ишимиз юришиб кетди. 3 та янги тикув машинаси олиб, шогирдлар билан иш бошладим. Ҳозир буюртмалар асосида қўйлақлар тикияпмиз, – дейди Гулнозахон Аҳмедова. – Аста-секин даромадимиз ошиб бормоқда. Мехна-



тимиз туфайли рўзгоримиз бут, қизимни Тошкентдаги таълим даргоҳида ўқитяпман. Асосийси, давлатимиз кўмаги билан оёққа туриб олдим.

«Обод» маҳалласида яшовчи Гулҳаё Йўлдошхўжаева тумандаги фаол ва ташаббускор тадбиркор аёллар сирасидан. Унга қўрсатилган ёрдам ва кўмак туфайли ўз ишини йўлга қўйди. Шунинг баробарида 6 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.

– Қўлда ҳунарингиз бўла туриб, сармоянгиз бўлмаса, иш бошлаш жуда қийин. Хонадонимизга ўрганишга келган вакиллар мен билан суҳбат ўтказиб, қандай кўмак зарурлигини сўрашди. Мен уларга қўлимдан қандалатчилик маҳсулотлари тайёрлаш келишини, агар маблағ бўлса, шу иш билан шуғулланиб, тадбиркорлик қилиш ниятим борлигини айтдим, – дейди Гулҳаё Йўлдошхўжаева. – Буни қаранг, фикрларим қоғозда қолиб кетмади. Кўп ўтмай банк-

дан кредит ажратилди. Керакли жиҳозларни олиб, опа-сингилларим билан ишни бошлаб юбордик. Ҳозир 20 хилдан ортиқ турдаги қандалатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаряпмиз. Ширинликларимиз харидорларга манзур бўлмоқда. Ишчиларимиз сони эса 6 кишига етди.

Айни пайтда Гулҳаё опа ишсиз юрган Ойгул Солиева, Мадина Алиқулова, Барнохон Раҳмонованинг ҳам бандлигини таъминлаган.

«Рапқон» маҳалласида яшовчи Гўзалхон Кенжаева ҳам ўрганишлардан сўнг «Аёллар дафтари»га киритилди. Тадбиркорлигини бошлаши учун банк томонидан кредит ажратилди. Бу маблағ эвазига новойхона ташкил қилди. Қўмакчи қилиб овсинини ҳам ишга олди.

Бугун бешариқлик опа-сингилларимиз ўз меҳнати, тадбиркорлиги ва интилишлари орқали турмушларини фаровон қилмоқдалар.

– «Аёллар дафтари» тизими орқали минглаб хотин-қизларимиз доимий иш ўринларига эга бўлишмоқда, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, иқтисодий мустақилликка эришмоқдалар, – дейди Бешариқ тумани ҳокими ўринбосари Гулчехра Юлдашева. – Бир вақтлар ишсизлик сабабли қийинчиликларга дуч келган аёллар бугун нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам ишли қилишмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан йўлга қўйилган мазкур тизим эҳтиёжманд, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож опа-сингилларимиз ҳаётда ўз ўринларини топишларига, иқтидор ва имкониятларини рўёбга чиқаришларига хизмат қилмоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Сўранг, жавоб берамиз...

ПУЛИМНИ ТЎЛИҚ ҚАЙТАРИБ ОЛСАМ БЎЛАДИМИ?

САВОЛ: Бир қурилиш ташкилоти билан уй сотиб олиш ҳақида шартнома туздим, йил давомида ташкилотга жуда катта миқдорда пул ўтказиб бердим. Уйни топшириш муддати қўзилиб кетаётгани сабабли шартномани бекор қилмоқчиман. Бироқ ташкилот тўлаган пулимнинг 120 миллион сўмдан ортиқ қисмини қайтармаймиз, шартномада шундай ёзилган, демоқда. Уларнинг бу ҳаракати қонунийми? Пулимни тўлиқ қайтариб олсам бўладими?

Имом УМАРОВ
Тошкент вилояти

ЖАВОБ: Ҳозирги кунда айрим қурилиш ташкилотларининг икки томон ўртасида тузиладиган шартномага қонунга ҳилоф қоидалар киритилиши кўпайди. Масалан, агар шартнома истеъмолчининг, яъни уй сотиб олувчининг ташаббуси билан бекор қилинадиган бўлса, қурилиш ташкилоти шартнома жами суммасининг ёки бўлмаса, олдидан тўланган пулнинг 10 фоиз қисмини ушлаб қолиши тўғрисида банд киритиб келинмоқда.

Аслида бундай хатти-ҳаракат қонунга зид ҳисобланади. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 385-моддасида «Агар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга тарафлардан бирирининг шартномани жиддий бузиши асос бўлган бўлса, иккинчи тараф шартномани

ўзгартириш ёки бекор қилиш туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли», деб белгилаб қўйилган. Бу ўринда асосий эътиборни масаланинг икки жиҳатига қаратиш лозим. Биринчидан, шартномада келишилган жами сумманинг ёки олдидан тўланган пулларнинг муайян фоизини қайтариб бермасдан, жарима ушлаб қолиш ҳуқуқи ҳужжатни бекор қилишга тарафлардан бирирининг шартларни жиддий бузиши (масалан, истеъмолчи уй нархини бўлиб-бўлиб тўлаш графигига риоя қилмаса ёки навбатдаги тўловни тўлашдан бўйин товласа) асос бўлган тақдирда юзага келишини эътиборга олиш керак.

Иккинчидан, шартнома бекор бўлиши натижасида қури-

лиш ташкилотига қандайдир зарар етказилган бўлса, белги-ланган сумманинг ёки тўланган пулнинг бир қисми ушлаб қолиниши мумкин. Саволингиз мазмунига кўра, шартнома бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкин бўлган шартларни жиддий бузиш ҳолатлари ва қурилиш ташкилотига зарар етказилгани билан боғлиқ ҳолатлар мавжуд эмас. Демак, қурилиш ташкилотининг шартнома суммасининг ёки тўланган пулнинг бир қисмини жарима тариқасида ушлаб қолиш тўғрисидаги талаби ноқонуний ҳисобланади. Ушбу низони суд орқали ўз фойдангизга ҳал қилиш имконияти бор.

Ҳуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими

ИШОНЧ ВА ХОТИРЖАМЛИК АСОСИ

Фаолият
Касаба уюшмалари меҳнат жамоаларининг таянчи ва ҳуқуқий ҳимоячиси сифатидаги мақомини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бунда иш берувчи билан соҳа ходимлари ўртасидаги меҳнат муносабатларини шакллантириш, уларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини таништириш мақсадида ўтказилаётган тарғибот ишлари кўл келмоқда.

– Яқин-яқингача касаба уюшмаси ташкилотининг асосий вази-фаси ходимларга санаторийларга йўл-нама ажратишдан иборат, деб ўйлардим, – дейди «Нарпайтумангаз» газ таъминоти ходими Акбаржон Хайруллаев. – «Худудгаз Самарқанд» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшмаси ўтказган тарғибот учрашувида англадимки, жамоа шартномаларининг ҳар бир бандида иш берувчи билан ходим ўртасидаги ҳуқуқий келишувлар ўз ифода-сини топган экан. Бу биз каби ишчи ва хизматчиларнинг ишонч ва хотиржамлик билан ишлашимизга замин яратди.

Тадбир давомида «Худудгаз таъминот» АЖнинг 2026-2028 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси мазмун-моҳияти, унда белгиланган асосий бўлим ва бандлар, шунингдек, иловаларда кўзда тутилган муҳим йўналишлар юзасидан батафсил тушунтиришлар берилди.

Баҳс-мунозараларга бой ўтган тадбирда ишчи-ходимларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Сафарали АЗИЗОВ,
«Худудгаз Самарқанд» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшмаси раиси

ИШ БЕРУВЧИНИНГ ХАТОСИ 200 МИЛЛИОНГА ТУШДИ

Баъзан шундай ҳолатлар учрайдики, меҳнат шартномаси бекор қилинган, иш берувчи томонидан тегишли ҳужжатлар ўз вақтида берилмаслиги туфайли ходим узоқ вақт ишсиз қолиб, моддий-маънавий зарар кўради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига келиб тушган мурожаатларнинг бирида айнан шундай ҳолат қайд этилганди. Аникроғи, фуқаро Н.О. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасида бош мутахассис сифатида фаолият юритганини, меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ишга жойлашишда жиддий муаммоларга дуч келганини маълум қилган. Сабаби, меҳнат муносабатлари ўтган йилнинг сентябрь ойида тугатилган бўлса-да, иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ нусхаси ҳамда меҳнат дафтарчасидан кўчирма ўз вақтида берилмагани оқибатида фуқаро янги ишга жойлашиш имкониятидан маҳрум бўлган.

Мурожаат касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўрганилиши жараёнида Н.О. билан тузилган меҳнат шартномаси 2025 йил 9 сентябрда тарафлар келишувига асосан бекор қилингани аёнлашди. Бу ҳақда тегишли буйруқ ҳам расмийлаштирилган. Бироқ меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилмаган.

Яъни, Меҳнат кодексининг 171-моддасига мувофиқ, шартнома бекор қилинган кунни иш берувчи ходимга меҳнат дафтарчасини (ёки электрон меҳнат дафтарчасидан кўчирмани), меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ нусхасини бериши шарт. Агар ходим бу ҳужжатларни ўша кунни олмаган бўлса, иш берувчи кейинги иш кунидан кечиктирмай унга қонунчиликда белгиланган тартибда хабарнома юбориши лозим.

Шу ўринда муҳим эслатма: қўпчилик «ҳужжат кейинроқ берилса ҳам бўлаверади», деб ўйлаши мумкин. Аммо меҳнат муносабатларида бу масала жуда муҳим. Чунки ходим ишдан бўшатилганини тасдиқловчи ҳужжатларсиз бошқа ташкилотга расмий ишга кира олмайди. Натижада ўз айбисиз мажбурий про-гул, яъни ишлаш имконияти бўлмаган даврга тушиб қолади. Фуқаро Н.О. билан ҳам худди шундай ҳолат юз берган. Иш берувчининг қонунчиликда белгиланган мажбуриятларни бажармагани сабабли меҳнат фаолиятини давом эттириш имкониятидан маҳрум бўлган. – Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари



Касаба уюшмаси аралашгач...

юзасидан иш берувчига расмий қўрсатма киритдик, – дейди касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат инспекцияси мурожаатлар билан ишлаш шўъбаси мудири Гўзала Рзаева. – Унда меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб, ҳужжатлар амалда тақдим этилган санага қадар бўлган давр учун ходимга мажбурий прогул учун ўртача иш ҳақи тўлаш талаб қилинди. Шунингдек, келгусида бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик тушунтирилди. Бироқ иш берувчи мазкур талабларни бажаришни рад этди ва ходимга компенсация тўлаш учун ҳуқуқий асос йўқлигини билдирди. Шундан сўнг, фуқаро Н.О. манфаатларини қўзлаб, судга даъво аризаси киритдик. Судда иш берувчи меҳнат қонунчилиги талабларини бузгани, ходим эса ҳужжатлар ўз вақтида берилмагани сабабли бошқа ишга жойлашиш имкониятидан маҳрум бўл-

гани ҳуқуқий асослаб берилди. Суд иш материалларини ўрганиб чиққач, даъвони қаноатлантирди. Собиқ ходим Н.О. фойдасига мажбурий прогул даври учун 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундирилди.

Бундан хулоса шуки, агар сиз ҳам ишдан бўшатилган кун меҳнат дафтарчаси (ёки электрон кўчирмаси)ни, ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ нусхасини, қонунчиликда назарда тутилган хабарномани олмаган бўлсангиз, ҳолатни эътиборсиз қолдирманг. Бу меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши бўлиши мумкин. Баъзида юрдошларимизнинг йўқотилаётган ҳуқуқлари биргина мурожаат орқали ҳам қайта тикланмоқда.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»
Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган сурат

Сўзнинг ёмони амал қилинмай бекор кетганидир.
Абу Али ибн Сино

Рақамлаштириш асрида яшаяпмиз. Смартфонимиздаги битта тугмани боссак, овқат ҳам, кийим ҳам, ҳатто машина ҳам эшигимиз тагига келади. Ҳукумат порталлари ҳам таъкидлайди: «Сиз уйдан чиқмай ариза беринг, қолганини ўзимиз ҳал қиламиз!». Хўш, чиндан ҳам шундайми?..

Автомобилга эко-стикер буюртма бериш керак бўлди. My.gov.uz орқали ариза юборилди, хонадон манзили аниқ кўрсатилди ва почта хизмати учун 20 минг 600 сўм тўлов ҳам онлайн тарзда амалга оширилди. Мен хизматни қонуний равишда «охирги нуқтагача», яъни эшигим тагигача сотиб олдим. Кутяпман. Ўн кунча вақт ўтгач, туман почтасидан кўнгироқ бўлди: «Сизга хат келган, фалон жойда бўламан, келиб олиб кетинг».

Тўғри, масофа узоқ эмас, қўшни маҳалла. Лекин савол туғилади: нима учун мен пулини тўлаган хизматимни эшигим тагида кутиб ололмайман? Нега тизим учун пул тўлаб, яна ўзим овора бўлишим керак?

Хатни олгани хабарчининг уйига борсам, тарқатувчи ходим (бир онахон) қўлимга хатни узатаркан, қутилмаган гапни айтиб қолди: «Пайнетта 5 минг сўм ташлаб кетинг». Сабабини сўрасам, «Сизга телефон қилиб гаплашдим-ку, ўшанинг пули», деди.

Қаршимда ёши бир жойга бориб қолган кекса онахон турибди.



Балки ўзи ишлар, балки келинининг ўрнига мажбурликдан чиққандир?.. Кайфиятим бузилган бўлса-да, ортиқча савол-жавоб қилиб ўтирмадим. «Хатни уйингиздан овора бўлиб, ўзим олиб кетяпману, яна пул сўрайсиз-а?» дедиму, сўралган пулни бериб қайтдим.

Мен ўша онахон устидан шикоят қилмоқчи эмасман. Мабодо, ариза ёзсам ҳам, тизимда ўзгариниш бўлмайди, бунинг яхши биламан. Арзимаган маош олиб, юклама остида эзилган бечора почтачи жазоланади, холос. Муаммо эса

ўша-ўшалигича қолаверади.

Келинг, масалани ичкаридан таҳлил қилайлик. Муаммонинг илдизи қаерда?

Биринчидан, логистика ўлик ҳолатда. Бугун почтачиларда на замонавий транспорт, на оддий велосипед бор. Минглаб аҳоли яшайдиган бир нечта маҳаллани пиеда айланиб, давлат хизматлари хатлари, суд қарорлари, солиқ хабарномаларини ўз вақтида тарқатишга жисмонан имконият йўқ.

Иккинчидан, уларнинг маоши ойликми ёки чойчақа? Тизимда

ишлаётган ходимларнинг аксарияти ярим ставкада, энг кам иш ҳақи эвазига меҳнат қилади. Уларга на йўлқира қопланади, на мижозга телефон қилиш учун хизмат алоқаси берилади. Оқибатда куйи бўгинг ходимлари фуқаролардан «Пайнетта беш минг сўм» деб, ўзларича ноқонуний «компенсация»ни ўйлаб топишга мажбур бўлишмоқда.

Биз «Uzpost» брендини ўзгартирдик, логотипларни чиройли қилдик, лекин энг куйи бўгиндаги ходимлар шароитини яхшилашни унутдик. Тизим ишламас экан, фуқаро ҳам норози, ўша беш минг сўм илнжида қолган хабарчи ҳам сарсон.

Соҳага масъул бўлган Рақамли технологиялар вазирлиги ва «Uzpost» раҳбарияти чиройли ҳисоботлар беришни камайтириб, туманлардаги ҳақиқий аҳволга қачон тик қарайди? Қачонгача фуқаролар тўлов қилинган хизмат учун яна қўшимча «чойчақа» тўлаши керак?

Биз куйи бўгин ходимлари жазоланишини эмас, тизим тўлақонли ишлашини истаймиз!

Озода МАМАДАЛИЕВА
Бекобод тумани

Мушоҳада

ОРТИҚЧА ИСТАК ОҚИБАТЛАРИ

ёхуд мода ортидан қувишнинг табиатга зарари хусусида

Кейинги пайтда «shopping» тушунчаси ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Ҳатто, айрим психологлар ҳам «Кайфиятингизни кўтариш учун шопинг қилинг» дея тавсия беришмоқда. Ижтимоий тармоқлардаги трендлар ва мода рекламалари эса инсонларни эҳтиёжидан ортиқ кийим-кечак харид қилишга ундамоқда. Лекин сотиб олинган кийимларнинг аксарияти кийилмайди ёки қисқа фурсатда (айниқса, оёқ кийимлар) чиқиндига айланади. Бундан эса нафақат чўнтак, экология ҳам зарар кўради.

Хеч ўйлаб кўрганмисиз: бир йил давомида қанча кийим харид қиласиз ва уларнинг қанчасини ортиқча матоҳ сифатида ташлаб юборасиз? Улар табиатга қанчалик пугтур етказади?

Масалани ўрганиш мақсадида аҳоли ўртасида кичик сўровнома ўтказдик. Турли бозорлар ва кийим-кечак дўконларида асосан қизлар билан улар шопинг учун қанча маблағ сарфлаши ва кераксиз кийимларни қандай қилиб «йўқотиши» ҳақида суҳбатлашдик.

Бир мавсумда тахминан 15 та кийим ва 2 та пойабзал харид қиламан. Бунинг учун ўртача 6-7 миллион сўм сарфлайман. Уларни кундалик образимга мослаб кияман, – дейди талаба Маржона Инатиллаева.

Бир ўқув йили мобайнида камида 10 та уст-бош, 4 та оёқ кийим оламан. Қанча пул кетишини ҳисобламабман. Лекин бундоқ ўйлаб

қарасам, уларнинг ярмидан доимий равишда фойдалана олмас эканман, – дейди Моҳинур Исмадова.

Бир мавсумда либослар учун камида 5 миллион сўм сарфлайман. Улар орасида киймайдиганларим ҳам кўп бўлади. Шунинг учун бошқаларга бериб юборишга ҳаракат қиламан, – дейди Райҳона Мамаражабова.

Респондентлар жавобларидан шундай хулосага келиш мумкинки, инсонларнинг кўпчилиги, айниқса, қизлар кийим-кечак учун сезиларли миқдорда маблағ сарфлайди. Харид қилинган либосларнинг эса қарийб 30-40 фоизи умуман кийилмайди. Демак, кўпчилик кийимнинг сифатига, қорига узоқ ярашига, бошқа кийимлар билан мос тушишига эмас, балки тренд ва мода талабларига кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Оқибатда тонналаб тўқимачилик чиқиндилари пайдо бўлмоқда. Энг ачинарлиси, уларнинг ҳаммаси ҳам қайта ишланмайди. Бунинг

асосий сабаби бизда чиқиндиларни саралаш тизими сулғидадир.

«UN Environment Programme» статистик маълумотларига кўра, 2022 йили Европа Иттифокида уй хўжаликларидан чиққан тўқимачилик чиқиндилари ҳажми 900 минг тоннадан ошган. Бундан ташқари, глобал кийим-кечак ва пойабзал саноати дунёдаги иссиқхона газлари чиқиндиларининг тахминан 2-8 фоизини ташкил қилади. Бу эса инсонлар уларни эҳтиёжидан ортиқ истеъмол қилаётганини англатади.

Кийим тайёрлаш жараёнида катта миқдорда сув, энергия ва хомашё сарфланади. БМТ маълумотларига кўра, оддий бир жинси шим ишлаб чиқариш учун ўртача 3000-4000 литр сув керак бўлади. Энг самарали технологиялар 2000 литр сув ишлатса, айрим ҳолларда ушбу кўрсаткич 10 минг литрдан ҳам ошади. Бу табиат учун қони зарар ҳисобланади.

Соҳада мавжуд муаммоларнинг олдини олиш учун бир қанча ечимлар мавжуд. Масалан, камроқ ва сифатли кийим-кечак харид қилиш, уларни бошқалар билан алмашиш ёки ортиқчасини эҳтиёжмандларга бериш шулар жумласидандир. АҚШ, Япония, Швеция ва Германия каби давлатларда бундай тизимлар аллақачон кенг йўлга қўйилган. Агар булар Ўзбекистонда ҳам оммалашса, экологияни асраш, ортиқча харажатларни камайтириш ва истеъмол маданиятини шакллантириш мумкин бўлади. Энг асосийси, биз табиатнинг бир бўлаги эканимизни унутмаслигимиз керак. Эҳтиёжларимизни онгли равишда таҳлил қилиб, ортиқча истакларни жиловлай олишимиз зарур.

Шакира ЖўРАЕВА,
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети
малабаси

Ажабо

Бугуннинг гапи

Яқинда таксида кетаётиб, қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ёнимдаги ёш қиз телефонида ким биландир ёзишиб борарди. Аввалига бу оддий ҳолатдек туюлди. Балки дугонаси ёки яқин кишиси билан суҳбатлашаётгандир, деб ўйладим. Чунки бугунги кунда одамларнинг аксарияти йўлда ҳам, ишда ҳам, уйда ҳам телефондан бош кўтармайди.

«СЕНИ ЖУДА ЯХШИ КЎРАМАН, ChatGPT»

Бироздан сўнг қиз овоз чиқариб гапира бошлади. Айтган ҳар бир гапини эса телефонига ёзиб киритарди.

– Яхшиям, сен борсан. Истаган пайтим дардимни айтаман. Мени эшитишга доим тайёрсан. Сени жуда яхши кўраман, ChatGPT! – деди у.

Бунинг эшитиб, очиги, ҳангу манг бўлиб қолдим. Ишонинг, бу ҳазил эмас, аксинча, қизнинг овозида самимият бор эди. У ChatGPT билан қандайдир ҳиссий боғланишга уринарди. Шунда ўйлаб қолдим: биз қандай даврга келиб қолдик?

Яқин-яқингача одамлар дардини дўстларига айтишган. Кейинчалик ижтимоий тармоқлар пайдо бўлди ва улар ҳис-туйғуларини виртуал аудитория билан бўлишадиган бўлди. Энди эса сунъий интеллект инсоннинг сирдошига айланмоқда. Бу ерда энг қизиғи технология эмас, инсон руҳияти. Чунки ҳар қандай одамнинг энг катта эҳтиёжларидан бири бу эшитилишидир. Ҳар ким ўзини тушунадиган, гапини бўлмайдиган, танқид қилмайдиган ва вақт ажратадиган суҳбатдош излайди. Афсуски, бугунги шиддатли ҳаётда бундай кишини топиш тобора қийинлашмоқда.

Ота-она фарзандни эшитишга вақт тополмайди. Болалар ота-она билан очиқ гаплашмайди. Эр-хотин бир хонадонда яшаб туриб ҳам бир-бирининг дардини тингламайди. Дўстлар эса бандлик баҳонасида бир-бирдан узоқлашиб боради.

Шундай муҳитда инсон уни диққат билан эшитадиган ҳар қандай намбага мойил бўлиб қолади. Ҳатто у тирик жон эмас, алгоритм бўлса ҳам.

ChatGPT ёки бошқа сунъий интеллект платформалари инсонни ҳукм қилмайди, унга бақирмайди, дардини масҳара қилмайди. Саволига жавоб қайтаради, муаммосини муҳокама қилади, баъзан тасалли ҳам беради. Натижада айрим одамларда уларга руҳий яқинлик ҳисси пайдо бўлади.

Аммо шу ерда ҳақиқ савол туғилади. Бу муҳаббатми? Менимча, йўқ. Бу кўпроқ инсоннинг тушунилишига бўлган эҳтиёжидир. Қалбдаги бўшлиқнинг тўлдирилишидир. Ёлғизликка қарши қу-

рашишнинг янги шаклидир. Чунки ҳақиқий муҳаббат фақат эшитиш эмас. Муҳаббат – масъулият. Муҳаббат – фидойилик. Муҳаббат – қурбонлик. Муҳаббат инсоннинг инсон билан муносабатида намоён бўладиган мураккаб ва тирки жараёндир.

Сунъий интеллект эса қанчалик ривожланмасин, у ҳис қилмайди. У қуймайди. Кутмайди. Рашк қилмайди. Соғинмайди. У фақат инсон яратган алгоритмлар асосида жавоб қайтаради. Бироқ бу ҳолатни қулги ёки масҳара билан қабул қилиш ҳам тўғри эмас.

Таксидаги қизнинг «Сени жуда яхши кўраман, ChatGPT», деган гапи аслида жамиятимиз учун жуда жиддий сигнал бўлиши мумкин. Балки у қиз атрофида уни эшитадиган инсонни топа олмагандир, балки дардини айтадиган сирдош излаётгандир. Балки инсонлардан топмаган эътиборни технологиядан топгандир.

Муаммо шундаки, ҳозир одам одамга вақт ажратмай қўйди. Технологиялар тараққиётини эса тўхтатиб бўлмайди. Эртага сунъий интеллект янада ақли, янада қулай ва янада инсонга яқин қўринишга эга бўлади. Аммо бир ҳақиқат ўзгармайди: инсон қалбининг ўрнини ҳеч қандай дастур тўлиқ босолмайди.

Лайли Мажнунни, Қумуш Отабекни, Шири Фарҳонни севганида уларнинг орасида сунъий интеллект ҳам, интернет ҳам йўқ эди. Уларнинг муносабатини тирик туйғулар, сабр ва садоқат боғлаб турарди. Бутун эса одамлар бир-бирига жисмонан яқинлашгани сари руҳан узоқлашиб бормоқда. Балки шунинг учун ҳам баъзи ёшлар қалбдаги бўшлиқни сунъий интеллект орқали тўлдиришга ҳаракат қилаётгандир.

Таксида айтилган ўша бир оғиз гап ҳамон қулоғим остида жараңллайди:

«Яхшиям, сен борсан... Сени жуда яхши кўраман, ChatGPT...».

Бу шунчаки бир қизнинг қалбдан айтилган оддий гапи эмас эди. Бу, эҳтимол, айрим замондошларимизнинг ёлғизлик ҳақидаги энг таъсирли икромларидан биридир.

Умид Худойқулов
«ISHONCH»

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТОЛОГИЯ

Янги имкониятлар ва долзарб вазифалар

Бугунги кунда рақамли коммуникация жадал ривожланиши лингвистик экспертилогия олдига ҳам янги вазифаларни қўймоқда. Ижтимоий тармоқлардаги постлар, мессенжерлардаги ёзишмалар, аудио ва видео материалларнинг транскриптилари, мультимодал контент, метамаълумотлар ҳамда турли платформаларга хос рақамли излар эксперт тадқиқотининг муҳим объектига айланмоқда.

Оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрлари кўпайиши натижасида лингвистик экспертизага эҳтиёж ҳам ортди. Бундай шароитда анъанавий таҳлил усуллари ҳар доим ҳам қутилган самара бермайди. Шу боис лингвистик тадқиқотларда сунъий интеллект ва компьютер технологияларига асосланган ёндашувларни жорий этиш илмий-амалий заруратга айlandи.

Сунъий интеллект технологиялари суд лингвистикасида рақамли матнларни таҳ-

лил қилиш жараёнини янги босқичга олиб чиқяпти. Улар катта ҳажмдаги маълумотларни қисқа вақт ичида қайта ишлаш, тил бирликлари ўртасидаги мураккаб боғланишларни аниқлаш ва таҳлил натижалари ҳаққонийлигини ошириш имконини беради. Натижада эксперт тадқиқотлари тезкорлик, ҳолислик ва ишончлилик нуқтаи назаридан янада такомиллашяпти.

Муҳими шундаки, сунъий интеллект фақатгина автоматлаштириш воситаси эмас. У эксперт хулосаларининг илмий

асосланганлиги ва текширилувчанлигини таъминлашга хизмат қилувчи методологик механизм сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу эса эксперт томонидан чиқарилган хулосанинг қайси лингвистик белгилар ва статистик омилларга таянган ҳолда шаклланиганини асослаб бериш имконини яратади.

Мазкур ёндашув суд-экспертизада хулосанинг далилий қучини ошириш билан бирга, унинг қайта текширилиши ва баҳолалиниш учун ҳам мустаҳкам асос яратади. Шунингдек, лингвистик таҳлил ва сунъий интеллект технологияларининг уйғунлашуви экспертиза сифати, далилларнинг ишончлилиги ҳамда қўлланилаётган методларнинг қайта такрорланиш имкониятини янада мустаҳкамлайди.

Бугунги кунда лингвистик экспертилогияда «Инсон эксперти + алгоритмик таҳ-

лил» модели шаклланиб бормоқда. Бунда сунъий интеллект инсон экспертнинг ўрнини босмайди, аксинча, мураккаб тил бирликларини аниқлаш, статистик тенденцияларни кўрсатиш ва хулосаларни верификация қилиш орқали эксперт фаолиятининг илмий аниқлигини кучайтиради. Шу нуқтаи назардан, изоҳланувчанлик ва текширилувчанлик тамойиллари келажак лингвистик экспертизасининг муҳим методологик мезонларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Айни пайтда сунъий интеллект ва тил моделларининг ривожланиши муайян хавф-хатарларни ҳам юзага келтирмоқда. Технологиялар катта ҳажмдаги маълумотларни тезкор қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имконини берса-да, алгоритмлардаги хатолар ёки маълумотлар базасидаги бирёқлама намуналар моделнинг ноҳолис

Вазира АБДУРАҲМОНОВА,
Республика суд-экспертиза
маркази эксперти

4

МУТОЛАА МУҲИТИ ҚАНДАЙ ЯРАТИЛАДИ?

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларни илм-фан ва маърифатга кенг жалб этиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Бу борада, айниқса, китобхонлик маданиятини шакллантириш ва мутолаага қизиқишни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки китоб инсон тафаккурини бойитади, дунёқарашини кенгайтиради ва мустақил фикрлашга ўргатади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши томонидан ёшлар ойлги доирасида ташкил этилган «Энг фаол ёш китобхон» танлови ҳам ана шундай эзгу мақсадларга йўналтирилган.



Хоразм воҳасидаги «Туркманлар» маҳалласига қадам ранжида қилсангиз, юртимизнинг бағрикенг диёр эканига яна бир бор гувоҳ бўласиз.

Бу ердаги 29-сонли умумий ўрта таълим мактабига сабоқлар туркман тилида олиб борилади. Директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шарофат Курбансаидова томонидан уюштирилаётган тадбирлар бағрикенглик муҳитини янада бойитишга хизмат қилади.

Туркман қизи Шарофат 1976 йил баҳорида Хоразм тупроғида дунёга келди, шу заминнинг сувини ичиб, воёга етди. Меҳнат фаолиятини 1994 йилда, таълим масканида ёшлар етакчиси сифатида бошлади. Кейинчалик бир муддат кутубхоначилик қилди. 2009 йилдан бошлаб эса бошланғич синфга қадам қўйган қорақўзларга туркман алифбосини, илк билимларни ўргата бошлади.

Хотин-қизларнинг илм олиши учун давлат томонидан яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, 2021 йилда Урганч давлат университетини муваффақиятли тамомлади. Ўша йили мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

Бугун Шарофат Хоразмнинг энг фаол, етакчи аёлларидан бири. Урганч тумани Кенгашидаги депутатлик фаолиятидан мамнун бўлган сайловчилар 2024 йилда уни Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашига депутат қилиб сайладилар. 2025 йилда «Йил аёли» танловининг туман босқичида ғолиб бўлди. Шарофатнинг жорий йилда «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати томонидан эълон қилинган воҳанинг «ТОП-15» бошқарувдаги аёллар рўйхатидан ҳам жой олиши меҳнатларининг муносиб эътирофидир.

– Мен ўзбегимнинг туркман қизиман, – дейди у. – Давлатимиз томонидан яратилган шароитлар туфайли эл хурматиغا сазовор бўлдим. Янги Ўзбе-

кистонимиз равнақи йўлида меҳнат қилишни бурчим деб биламан.

Шарофат истиқомат қиладиган маҳалла улкан тарихга эга. Бу ерда 1640–1694 йилларда, Абулғози Баҳодирхон ҳукмронлиги даврида бунёд этилган «Улли ҳовли» қалъаси 2017–2018 йилларда тубдан таъмирланиб, йирик туристик марказга айлантирилди. 2020 йилнинг 29 декабрида эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори эълон қилиниб, Маданият вазирлигининг Хоразм вилояти маданият бошқармаси таркибига «Ўзбек-туркман дўстлик уйи» ва «Улли ҳовли» мажмуаси дирекцияси» давлат муассасаси сифатида расман ташкил этилди. Шу-шу маҳалла сайёҳларнинг сеvimли марказларидан бирига айланди.

500 дан зиёд хонадонда 3 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Улар деҳқончилик ва кўкат етиштириш борасида пешкадам. Шукуржон она Қиличева ўз томорқасида замонавий иссиқхона ташкил этиб, ҳар йили юқори даромад олмақда ва қўшниларини ҳам мавсумий иш билан таъминламоқда.

– Йил давомида тўрт маротаба ҳосил оламиз. Қишнинг чилласида бозорга турли кўкатлар чиқарсак, баҳорнинг бошида уларга серсув редиска қўшилади. Ёз фаслида помидор, бодринг, пиез, ширин ва аччиқ қалампир, саримсоқпиёзларимиз пишиб етилади. Қўзда сабзи, шолғом ва турп маҳсулотларимизни йиғиб олиб, халқимиз дастурхонига тортиқ қиламиз. Киш келиши билан яна айланлиб кўкатчилик мавсуми бошланади. Бу сермашаққат, аммо баракали меҳнат келинларим, фарзандларим ва набираларимнинг сеvimли машғулотига айланган.

Улуғ ҳодисалар ҳар вақт юз беравермайди.

Абу Райҳон Беруний

Танлов

«Китоб – маърифат манбаи» шиори остида ўтказилган бу танловда вилоятнинг турли корхона, ташкилот ва муассасаларида меҳнат қилаётган 35 ёшгача бўлган китобсевар ёшлар иштирок этидилар. Улар ўз билим ва салоҳиятларини намойён этиб, ҳозирга қадар мутолаа қилган китоблари юзасидан берилган саволларга жавоб қайтардилар. Бу асарлар мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилиб, қаҳрамонларга муносабат билдирдилар ва мустақил фикрлаш қобилиятини намойён этидилар. Ёшларнинг китобхонликка қизиқиши, кенг дунёқараш ва таҳлилий фикрлаш кўникмалари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Якуний натижага кўра, биринчи ўрин «Навоий азот» акциядорлик жамиятининг 57-цех техник-конструктори Мафтуна Қосимовага насиб этди. Иккинчи ўринни Ҳазгон шахридаги 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Муслима Уматова, учинчи ўринни эса Учқудуқ туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси Зарина Акрамова эгаллади.

Ғолиб ва фаол иштирокчилар диплом, ташақкурнома ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Энг муҳими, мазкур танлов нафақат энг яхши китобхонларни аниқлаш, балки ёшлар ўртасида мутолаа муҳитини мустаҳкамлаш, уларни китоб билан дўстлаштириш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга хизмат қилди.

Дилафрўз ўРОЗОВА,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Фахр

«ЎЗБЕГИМНИНГ ТУРКМАН ҚИЗИМАН»

Маҳалла аҳли ўзбек ва туркман халқлари анъаналарига таъниб турмуш кечирадилар. Туркманлар ўзбек қўшниларини «дограма» билан сийласалар, ўзбеклар «барак» билан меҳмон қилишади. «Улли ҳовли» мажмуасида ташкил қилинган тўғарақларда воҳа ёшлари аҳил-иноқликда ҳунар ўрганадилар. Вилоятда ўтказиладиган турли маданий тадбирларда туркман ёшлари фаол иштирок этадилар.

Умуман олганда, Хоразм воҳасида ҳамда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган туркман миллати вакилларининг ўз маданияти билан анъаналарини сақлаган ҳолда бахтли ҳаёт кечиришлари учун давлат томонидан ҳамма шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Маълумотларга назар ташласак, бутунги кунда Ўзбекистонда 202 мингдан зиёд туркман миллатига мансуб фуқаро яшаб келмоқда. Туркман тилида таълим бериладиган 44 та умумтаълим мактаби фаолият юритмоқда. Олий таълим тизимида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Қорақалпоғистондаги бўлинма томонидан туркман тилида «Мекан» номли ижтимоий-сиёсий газета нашр этилмоқда. Шунингдек, қадимий анъаналарни авлодларга етакзиш мақсадида «Орзу» деб номланган халқ мусиқа ва рақс ансамбли ташкил этилган.

Бугун она Ўзбекистонимизда яшаётган ҳар бир инсон, миллатидан қатъи назар, Шарофат Курбансаидова каби ўз иқтидорини рўёбга чиқариш, жамиятда ўрнини топиш ва эл равнақида ҳисса қўшиш имконига эга.

Муҳаббат ТўРАБОВЕВА
«ISHONCH»

Абдулахад Абдурашидов ижросида

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

«Чўли ироқ» куйи (найда)

Ерни эшитган ОДАМ

Баъзан инсон тақдири бирор соҳа билан шунчалик уйғунлашиб кетадики, уларни бир-биридан ажратиб бўлмай қолади. Гўёки бир одамнинг умри бутун бир илмнинг изланиш тарихи, халқ учун қилинган меҳнатлар силсиласига айланади. Физика-математика фанлари доктори Сабриддин Ҳусомиддинов ана шундай олимлар тоифасига мансуб эди.

Унинг ҳаётига назар ташласангиз, оддий меҳнат йўлини эмас, балки ер қаъридан келаётган сирли сигналларни англашга бағишланган узлуксиз сафарни кўрасиз. Бу сафар замирида лаборатория чироғи, тоғ бағридаги қузатув станцияси, тунги илмий баҳслар, сейсмик хариталар устида ўтган уйқусиз тунлар мужассамлашган.

1946 йили Тошкент вилоятида таваллуд топган С.Ҳусомиддинов илмга тасодифан кириб қолганлардан эмас. Унинг меҳнат фаолияти 1964 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институтига лаборантликдан бошланади.

Ўша кезлар мамлакат илм-фани учун ҳам осон давр эмасди. Рақобат қучли, талаб юқори, имкониятлар эса чекланганди. Бироқ айнан ўша муҳит ҳақиқий олимларни тоблади. Жумладан, ёш Сабриддинни ҳам лабораторияда соатлаб ишлаш, узлуксиз мутулаа ва изланишлар ўз касбининг ҳақиқий устаси сифатида шакллантирди.

Билимга чанқоқлиги навқирон йигитни Тошкент электротехника институтига етаклади. 1965-1970 йиллардаги таҳсил, кейин эса ҳарбий хизмат уни ҳаётнинг турли синовларидан ўтказди. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам танланган йўлидан қайтмади, илмдан узоқлашмади, аксинча, эзгу мақсадлари сари интилди. Синовлар, тажрибалар характерини тоблади.

1970 йили Сейсмология институтига бошланган фаолият эса ўзига хос алоҳида давр бўлди. У муҳандисликдан директорликка бўлган йўлни муваффақиятли босиб ўтди. Бу лавозимлар ортда фақат хизмат поғоналаригина эмас, балки улкан меҳнат, юксак масъулият ва илмга садоқат ҳам ётибди.

Сабриддин Ҳусомиддиновнинг илмий фаолиятини бир неча сўз билан таърифлаш қийин. Зеро, у сейсмология, планетар геофизика, сейсмоген жараёнлар физикаси, ахборот технологиялари каби мураккаб соҳаларни бirlаштира олган олимдир.

Домланинг энг катта ютуқларидан бири зилзила ҳодисаларини фақат ер қаъридан эмас, балки атмосферанинг юқори қатламлари ва яқин коинотдаги ўзга-

ришлар орқали ҳам қузатиш мумкинлигини илмий асослаб бергандир. Айниқса, ўтган асрнинг 70-80 йилларида ер қаъридаги жараёнларни коинот билан боғлаш ҳақидаги фикрларга ҳамма ҳам ишонавермасди. Чунки илм дунёсидан янги ғояни ҳимоя қилиш баъзан уни яраттишдан ҳам қийин бўлади.

Сабриддин Ҳусомиддинов ер остидаги қучли геодинамик жараёнлар иносферада ҳам акс этишини экспериментал жиҳатдан исботлади. Яъни ер қаърида рўй берган ўзгаришларнинг «садоси» осмон қатламларигача етиб боради. Бу зилзила даракчилигини масофадан туриб қузатиш имконини яратади.

Аэро-космик платформаларга ўрнатилган радиолокаторлар орқали ерости сувлари динамикасини қузатиш орқали зилзиланинг гидродинамик даракчиларини аниқлаш мумкинлиги ҳақида назария ўша пайтда илмда мутолға янги қараш эди. Ғоянинг аҳамияти фақат сейсмология билан чекланиб қолмади. У қишлоқ ҳўжалиги, экология, сув ресурсларини бошқариш каби соҳалар учун ҳам катта имкониятлар эшигини очди.

Сабриддин Ҳусомиддинов фақат назарий олим эмас, илмни амалиёт билан боғлай олган тадқиқотчи ҳамдир. Унинг раҳбарлигида автоматлаштирилган геофизик ва гидрофизик мониторинг тизимлари, электрон мажмуалар, ахборот дастурлари яратилди. Бу ишланмалар табиий офатларни қузатиш ва таҳлил қилиш самарадорлигини янги босқичга олиб чиқди.

Олим 1990 йилда «Ўзбекистоннинг сейсмоактив минтақаларида геофизик майдонларнинг аномал ўзгаришлари қонуниятлари» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. Бу иш нафақат республика илм-фани, балки бутун минтақавий сейсмологик тадқиқотлар учун ҳам муҳим қадам бўлди.

Унинг илмий қарашлари кейинчалик янада кенгайди. Шу боис планеталараро гравитацион майдонлар ҳам сейсмоген жараёнларга таъсир қилиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларни илгари сурди. Бу эса геофизика соҳасида ҳали кўп баҳс ва изланишларга сабаб бўладиган йўналишлардан

Хотира



бири саналади. 150 дан ортиқ илмий иш, тўртта ихтиро, монографиялар, дастурлар, илмий-оммабоп мақолалар... Улар ортида ўнлаб йиллик меҳнат, изланиш ва масъулият турибди.

Сабриддин Ҳусомиддинов раҳбарлигида уч нафар фан доктори, бир нафар фан номзоди етишиб чиқди. Домланинг институт равнақида ҳам хизматлари катта бўлди. У раҳбарлик қилган йилларда бир неча давлат дастури амалга оширилди. Натижада Сейсмология институтини замонавий мониторинг тизими ва мустаҳкам моддий-техник базага эга илмий марказга айланди.

Сабриддин Ҳусомиддинов учун илм ҳаёт мазмуни бўлгани каби оила ҳам катта қадрият эди. У зилзилар хонадонига камол топи, кейинчалик ўзи ҳам болалари учун маънавий таняч бўла олди. Турмуш ўртоғи Ширин Абдусаматовна билан бирга фарзандларини меҳнаткаш, интизомли ва билимли қилиб воёга етказди. Бугун улар турли соҳаларда фаолият юритиб, оилавий анъанани давом эттиришмоқда. Хусусан, Камола тиббиёт соҳасини танлаб, санитария-эпидемиология тизимида шифокор сифатида меҳнат қилмоқда. Диёр тадбиркорлик, Аҳмариддин ҳарбий хизмат, Аббориддин транспорт тизимидаги меҳнати билан жамият ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ахбориддиннинг Фанлар академиясининг Сейсмология институтига катта илмий ходим сифатида фаолият юритаётгани эса янада қувонарли. Яна бир қиз Висола эса ўқитувчилик касбини танлади. Бу ҳам, эҳтимол, авлодлар давомида шаклланган маърифат ва таълимга ҳурматнинг бир кўринишидир.

Ҳа, ер титрашини ўрганган инсоннинг қалби эҳтимол, бошқаларникидан ҳам нозикроқ бўлар. Чунки у табиатнинг энг хавфли ва энг сирли ҳодисалари билан юзма-юз яшайди. Замин эса баъзан сукут сақлайди, баъзан огоҳлантиради. Уни англаш учун нафақат билим, балки сабр-матонат ҳам керак бўлади. Сабриддин Ҳусомиддинов бутун умрини фақат илмга бағишлади. Устоз бугун гарчи орамизда бўлмаса-да, у қолдирган илм, маърифат зиё сочиб турибди. Бу нурдан эса ҳали кўп авлодлар баҳраманд бўлажак.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жамоаси Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Нарзи Файзизодага падари бузруквори

Нарзи ФАЙЗИЕВ

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгашнинг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Алишер Салаевга онаси **Тамара АБДУЛЛАЕВА** вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси касаба уюшма фахрийси, узоқ йиллар Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси сифатида фаолият юритган **Сайидахмад АҲМАДҚУЛОВ** вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Эълон

Ахмеджана Клара Абдурахмановна номига 1993 йил 13 февралда 01-02/7301 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

MUASSIS:



2007-йил 11-январда
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doeverue»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hay'oti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Alijon ABDURAHMONOV

Musahhihlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA,

Umid XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDULLILOV

Bosishga topshirish vaqti – 20:20

Topshirildi – 20:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning

seshanba,

payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

Gazeta

«Ishonch»ning

kompyuter markazida

terildi va sahifalandi.

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,

Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:

ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning

poligrafik jihatdan

sifatli chop etilishiga

bosmaxona mas'ul.

Gazetaning yetkazib

berilishi uchun obunani

rasmilashrtirgan

tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 004 ta

Shundan: 6 519 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik

kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 294 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 191 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,

236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taбоq. Buyurtma: G-711

1 2 3 4 5 6